

раиси М. Исमतов, Ёшқа рай-
лигидаги Октябрь йил-
лоҳионини бригадир С. Ибро-
ҳимов, «Ташиселмаш» заво-
днинг тоқарасточини В. В.
Ефремов, Тошкент тўқимачи-
лик комбинатини тўқувчи
Л. П. Казанцева, пассажир
автотранспорти Тошкент иш-
лаб чиқариш бошқармасига қа-
раб турган «Тошкент» автобуси-
нинг шофёри С. Каримжо-
нов, В. И. Ленин номидаги
Олмалик кон-металлургия
комбинати Қалмоқчи қойи-
ниги экскаватор-машинисти
В. Р. Подвигинлар Ленин ор-
дени ҳамда «Уроқ ва Болга-
лаш» медаллари билан.
Ш. Р. Фахриддинов ва
медальларни топишри, муко-
фотланганларни санимин қў-
лаб ва уларга меҳнатда янги
муваффақиятлар тилади.

У ҳар кун бу кўчадан ишга келишди. Одатда, бугун ҳам шу кўчадан боришди. Ўзлари йўлда-ю, ҳали шидда.

— Абдувосиқ ака! — У овоз келган томонга қаради.

Милиция майори формасидаги ишчи жиддий турарди.

— Танниясизми? — деди майор.

Абдувосиқ уни қаерда кўрганни аслагани унинг. Хотирасини жамлаб туриб эсладди:

— Бу — Райимжон-ку!

— Худди ўзи, — майор қучоқ очиб кўришди.

Вақт қандай тез ўтди-ли! Бундан ўн беш йил муқаддам Райимжон унинг қабулига келган эди. Ўшанда унинг юзиди ҳозиргидек нур кўринмасди, чехрасида ташвиш, ўзи ҳорғин эди.

— Мама, доктор, Фурақат таъинланганми? — Райимжон бир чочкада йиғиниб турган ўсмирнинг имлади. — Яқинроқ кел, ўғлим.

Фурақат ўсмирларга хос тортиқчан билан сурашди.

— Сақинчици синфда ўқияпти, — деди Райимжон.

Фурақат катта йиғичга бўлиб қолди. Соғлом, бақувват. Абдувосиқнинг қалбиди аллақандай янги туйғу юш урди. Ўсмирнинг бошини силди. Хотира уни узоқларга этди...

Ўшанда милиция ходими Райимжоннинг ўғли Фурақатнинг ўзини шифохонасига олиб келди. Икки ёшли бола азият-жаҳм даражасида йўлиққан. Ота умида кўзи билан шифокор хўминини кутди. Шифокор-чи? Қандай сўз билан дардга малҳам бўлсин? Фақат сўз билан, далад билан иш битмайди-ку! Абдувосиқ туну кун бола атрофида парвона бўлди. Умуман олганда, у танлаган касб, умрининг мазмуни, деб билинган соҳа, шунча талаб эдиларми?

Абдувосиқ шу тоғда ана шулар ҳақида ўйлади. Яна бир воқеани эсладди. Бир кун

унинг қабулхонасига аъзойи бадани ишчи кетган бир бола-ни олиб келишди. Диагноз ҳар хил эди. Шифокорлар аниқ бир хулосага келишолмасди. Ота-она эса умид билан куттишарди. У фарзанд меҳрини, фарзанд дегини яхши биларди. Чунки, бир ҳисобдан, унинг ўзи ҳам ота.

У онадан аста сурштирди:

— Дастлаб табибга олиб бордик, — охишта пичирлади она, — у симоб ичиришни бу-юрди.

— Ўғлим, симоб ҳам топила-

РАҲМАТ, ДОКТОР!

(ОЧЕРК)

мас матоҳ акаи, — деди ота кўзига қалқитган ёшни арта туриб, — эўрга қўйилдиан топи-дик.

Абдувосиқ касал дардининг қалбини шу сўхбатдан топти. Орадан бир неча ой ўтганча, нодон табиб хатоси тўзатилди. Икки ёшли Даврон соғайиб, ота-она кўнглига чиқиб кетди.

Албатта, унинг иш фаолияти бундай қувончли воқеалар кўп. Аммо ана бошқача, гоҳида кўнглисиз-гоҳида қай-гули воқеалар ҳам йўқ эмас. Яқинда шундай бир ҳолат юз берди: шифохонада ётган бир бола вафот этди. Ота-она жа-садини ўраб олиб кетишга ҳо-тирланган кўзини очди. Оч-ди-ю, рўбарўсида шашқор эш оқибди турган ота-онасига талпинди.

Шу ҳолатни эслагани, Абду-восиқ ҳар гал қалбиди гоҳ зағу

шодлиқни, гоҳ тубсиз қайғуни ҳис этади. Ўша бола қайта-риланган сўнг яна олти соат-ча умр кўрди. Лекин ана шу дақиқалар унинг ота-онасига қанчалар умидли соатларни, ни-сонга, табобат фанига, унинг кудратига олам-олам ишонч бахш этмайдиган, дейсиз.

Абдувосиқ бештиёр машҳур бир олимнинг сўзларини эс-ладди. У болалар шифокорларнинг фани — педиатрия ҳақида фикр юритиб «Катта ёшдаги одамни даволаш ўз вақтида пе-диаторлар йўли қўйган хатони

тахтдаги ўн бешинчи бирлаш-ган болалар касалхонасининг раҳбарини — бош врачликкача бо-сиб ўтган ҳаёт йўлини ҳиноя қилувчи воқеа кўрди...

— Хўш қўлинг, доктор, — Райимжоннинг товуши Абду-восиқнинг ҳаёлини бўлди.

Ота-бола хайрлашиб, кўздан узоқлашди. Абдувосиқ енгил ва чуқур нафас олиб йўлда да-вом этди. Йиллар беқор, беҳу-да ўтмабди. У бахтли! Ажаб, нега у бу ҳақда неча 8 ҳу ўша пайтда эмас, балки шу бугун, шу лаҳза ўйлапти.

тузатишди. Болалар шифокор-и, яъни педиатр болани яхши даволашни, дардига малҳам топиши учун, унинг ота-онаси-ни ҳам билиши, улар билан ях-ши алоқада бўлиб туриши ло-зим. Бу борада шифокор ўзинга ҳис психолог, дипломат бўлиши ҳам керак, деган эди.

Ҳа, бир олам гал. Бу гап маъзи ана бола саломатлигини сақлаш вазифасига тақаллади. Бола шифокорни касаллик билан олишди, баъзан тенгма-тенг, юзма-юз жанг қилади. Бу жанг-да хасталик эмас, соғлом ҳаёт тангана қилиши керак. Абду-восиқ бунга яхши тушунади, юрагидан сезади. Шунинг учун ҳам неча йиллардан бери туман бойлик ижодкорлари сафиди ҳормай меҳнат қилапти. Ана шу меҳнат унга чуқур маъна-вий қониқиб бахш этди, ҳур-мат эътибор келтирди. «Хўрма-тилгис» ордени ҳам жамоат-чилик ҳўрматининг рамзи.

Оқдлий болалар шифокоридан катта бир коллективнинг, пой-

Абдувосиқ қалбиди янги ўр-ган ҳислар тўлқинидан ҳай-жонланиб кетди. Кўз олдида қойқаларда ётган болалар жо-нланди. Ҳаммасининг саломат-лиги учун у жавобгар шахс! У ўз ишида бракка кўл қўйиши мўтлоқ мумкин эмас! Шифокор ҳам меҳнаткаш. У ҳам дастгоҳ ҳама тер тўкиб, ижод қилувчи ишчи қаторида. Далада явлон-уриб, ҳосил яратувчи бободех-қонлар сафиди. У ишчи ва деҳ-қонлар сафини ўқитувчи. Ис-тиқбол ёлларини тарбияловчи. Ичмонан бардам еш авлод учун посбон!

Касалхонадан йилгига 3—4 минг бола шифо топиб чиқади. Шунча фарзанд ота-она бағри-га қайтади. Бу оқибатнинг иш-да у бош бўлган поликлиника ва касалхонанинг Раънохон Абду-рахмонова, Раҳима Баҳодирова, Бувинона Миралыева, Люд-мила Гаева, Лидия Рабинович каби шифокорларининг қалб кў-ри билган меҳнатлари катта-дир.

Унинг ҳаяжонли чехрасида бир лаҳза ўйчанлик чўкди. Еди-га унутилмас, юрагиди чуқур из қолдирган яна бир воқеа тушди.

Уша кунчи у вафот этган қа-риндошини қабрга узатиб, мо-зордан ўтиб борарди. Кўзи бе-ҳосдан бир қабр устидаги лав-чага тушди. Унда 2—3 ёшлар «чамаси қизанинг сурати турар-ди. Копқора жингалак сочили, қулиб турган жажжи чехра қиз-ча, энгиди атлас куйлакча. Онақони не умид билан тиккан қўйлач! Кўрдию, юраги орзи-қиб кетди. Қайси мажрўх қалб, ота-она фарзанди бу қизча? Шу ота унинг кўзи олдида! Шу муштароф она, жавофдор ота гадалади. Уларнинг йили чех-ралари жонланди. Қизча су-ратдан унга қўвиноқ тикилиб ту-рарди. Қўзларини шўх ўйнат-ганча табассум қилар эди. Аб-дувосиқ бу кўзаларда мағлуб ҳа-ёт, бой берилган нисон исти-қболни кўргандек бўлди. Қиз-чанинг кўзлари шунда унга таъна қилмагандек, унга ни-мандиги даъват этаётгандек ту-юлди.

Ҳа, у келажик посбони сифа-тида қайси бир касбдоши йўл қўйган «бракки» юракдан ҳис этиб, қалбдан изтироб чеккан эди ўшанда! Ҳали ҳам, баъзан оғир аҳволда болани текшир-ганда, диагноз қўйиб давола-ётганда ўша қизани эслаб ту-ради. Ҳаёт гули, нисон умри файзи бўлган фарзандлар тақ-дир учун курашад.

Кўча гажам. Одамлар ўтиб бормоқда. Танниш. Нотаниш. Улар сафиди, улар билан ё-ма-ён Абдувосиқ Абдураҳмо-нов ҳам ишга ошмоқда. Одамлар орасида унга кўзга ташланмайд-ди. Уни сиз сезмаслигиниз, алоҳида акротиб танимасли-гиниз ҳам мумкин. Камтар бир коммунист. Оқдлий нисон. Кас-би кори шифокор. Асли ўзи бо-лақон.

Ҳамдам СОДИҚОВ.

ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ

Москва меҳнаткашлари вакил-лари ва пойтахт гарнизони жанг-чиларининг 22 февраль кўни Со-вет Армиясининг марказий теат-рида бўлиб ўтган тантанали йи-ғилиш Совет Армияси билан Ҳар-бий-Денгиз Флотининг 56 йилги-га бағишланди.

Президиумда — КПСС Мар-казий Комитети Сийбей Бюроси-нинг аъзоси, СССР Мудофиа Ми-нистр, Совет Иттифоқи Маршал-ли А. А. Греков, умумий машина-созлик министри С. А. Афанасьев, СССР Мудофиа министрининг биринчи ўринбосари, Совет Итти-фоқи маршалли И. И. Якубовский, кўролли кўчалар бош штабнинг бошлиғи, СССР Мудофиа ми-нистрининг биринчи ўринбосари, армия генерали В. Г. Куликов, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Бош сийбей бошқармаси-нинг бошлиғи, армия генерали А. А. Елишев, СССР Мудофиа министрининг биринчи ўринбоса-ри, армия генерали С. И. Соко-лов, СССР мудофиа министри-нинг ўринбосари, совет итти-фоқи ва кўнги турларнинг маршаллари, генераллар, адмирал-лар, офицерлар, партия ва совет таъиниқчиларининг вакиллари, СССРнинг космонавт учувчилари ўтиришди.

Тантанали йиғилишнинг КПСС Москва шаҳар комитетининг сек-ретари Л. И. Греков очди.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг Бош

секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сийбей Бюроси-ни балинд рух билан Фахрий Президиумга сайладилар.

Ватан ҳимоячиларини Москва-даги Шифофиа станоклари за-водининг ишчиси, коммунист меҳ-нат зарбдори Б. Т. Карпачов, ВЛКСМ Москва шаҳар комитети-нинг биринчи секретари В. И. Шадрин қизити табриқладилар.

Мажлис аҳли СССР Мудофиа министрининг ўринбосари, Ҳар-бий денгиз флоти бош қўмондон, Совет Иттифоқи Флотининг адми-рали С. Г. Горшковнинг нутқини зўр эътибор бериб тингладилар.

Ер юзидида барча тараққийла-вар кишилар Совет Армиясини ҳақли равишда тинчлик демок-ратия ва социал тараққиёт пос-собида турган кўч деб билимақ-дир, деди нотиқ. Армия билан халқнинг бирлиги, коммунисти-партиянинг раҳбарлиги — мамла-кат мудофасини ва кўролли ку-чаларнинг жанговор кўдратини му-такамил охмасиди. Барча му-ваффақиятларнинг ҳал қилувчи, деб шартдир. Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти енгил-маслигининг буюк манбандир.

Мажлис аҳли КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министр-лар Совети номига гулдурас қар-сақлар остида яқинлик билан табриқнома қабул қилдилар.

(ТАСС).

ЛЕКТОРЛАР УЧРАШУВИ

Ўрта Осиё ва Ҳозиргон республикаларида халқаро мавзу-ларда лекция ўқитиладиган лек-торларнинг бугунги «Билим» жа-мияти чакриган семинари 23 февраль кўни Тошкентда ўз иш-ни тамомлади.

Семинар қатнашчилари тингла-ган бир қанча лекцияларда КПСС билан Совет ҳукуматиинг пар-тия XXIV съезидан кейинги та-шқи сийбат фаолияти атрофида ёритиб берилди. Съезд қабул қил-ган Тинчлик программаси амал-га оширилганлиги тўғрисида, КПСС Марказий Комитети 1973 йил декабрь Пленуми қарорлари асосида партиянинг иқтисодий сийбат ҳақидаги, Совет давлати-нинг ташқи иқтисодий алоқалари-ни ривожлантириш тўғрисидаги, КПСС ва бошқа қардош партия-ларнинг халқаро коммунистик ҳаракат биланги ва ишчиларни му-стақамлаш соҳасидаги фаоли-ти, социалистик ҳаммуштарлиқни халқаро майдондаги ижобий сил-жашилади. Хитойдаги ва Яқин Шарқдаги аҳвол, Совет Иттифо-қининг муштаким Европа хавф-сизлиги ва Осиёда коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтириш учун олиб бораётган кураши, Совет-Америка муноса-батлари ҳақидаги лекциялар се-минар программасига киритилган эди.

Семинардаги лекцияларни КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари В. П. Китев ва А. П. Козлов, СССР Ташқи

савдо министрининг ўринбосари Л. И. Зорин, СССР Госпланининг катта эксперти В. Г. Зинин, СССР Ташқи ишлар министрлиги бўли-ми мудирининг ўринбосари И. А. Рогачов, СССР Фанлар Акаде-мияси АҚШ институтини директо-рининг ўринбосари В. Р. Ситни-ков, бугунги «Билим» жа-миятининг лектори Ю. Ф. Поля-ков, СССР Фанлар Академияси турли муассасаларининг етакчи илмий ходимлари В. С. Котляров, В. В. Рамеров, Г. И. Старченко-в ўқидилар.

Бугунги «Билим» жа-ми-яти правленийи раисининг бирин-чи ўринбосари Ю. К. Шивевский семинарда нутқ сўзлади.

Семинарда шу нарса таъкидлаб ўтилдики, КПСС Марказий Ко-митети, унинг Сийбей Бюроси ва шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Бре-жнев ташқи сийбат соҳасида партия XXIV съезиди белгилаб бер-ган бўйини амалга ошириш со-ҳасида олиб бораётган катта ва тинимсиз фаолиятини чуқур ва а-трофлиқа тушутириб бериш лек-ция пропагандаларининг энг муҳим вазифаларидан бири эканлиги се-минарда таъкидлаб ўтилди. Лек-торлар маҳоратини ошириш, ўқи-лаётган лекцияларнинг гоийи са-виясини, янада кўтариш, лекция пропагандаларининг юксак даража-да самардор бўлишининг зарур шарти эканлигини ўқитилди.

(ЎЗАТ).

МАМЛАКАТЛАР ВА КИТЪАЛАРДА

СССР БИЛАН АҚШ МЕДИКЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИГИ

ЛЕНИНГРАД. 22 февраль. (ТАСС). Бугун Ленинградда грийта қарши кураш соҳасида Совет-Америка ҳамкорлиги тў-ғрисидаги узоқ мунозабат битим имзоланди.

Совет ва Америка мутахас-сислари делегациялари ўз мам-лакатларида тадқиқот ишлари-нинг аҳволи тўғрисида бир-бирларига ахборот беришди. СССР ва АҚШдаги энг йирик илмий марказлар негизда биргаликда иш олиб бориш ҳа-қида келишиб олдилар.

Ҳужжат медицина ва со-ғлиқни сақлаш соҳасида ҳам-корлик қилиш тўғрисида СССР билан АҚШ ҳукуматлари ўр-тасида тузилди. 1972 йил май ойида Москвада имзола-нган битим доирасида ишлаб чиқилди.

ЎЗАРО МАНФААТЛИ САВДО СОТИҚНИ

РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН

АҚШ ҳукумати Совет Иттифо-қини мўзааро манфаатли савдо-сотиқ муносабатларини ривож-лантиришга катта аҳамият бер-моқда, деди АҚШ савдо ми-нистри Ф. Дент.

Дент 1973 йилда АҚШ билан СССР ўртасидаги савдо обороти анча ўсганлигини таъ-кидлаб, Америка ҳукумати-нинг иккала мамлакат ўртаси-даги савдо-сотиқни янада кен-гайтиришдан манфаатдор экан-лигини ўқитди. Биз АҚШ билан СССР ўртасидаги савдо-сотиқ сўғиғи бир неча йил мо-байинда ривожланишга қоби бўлган бўён ҳам ривожлана боради деган умиддан, деди ТАСС мухбири билан сўхбат-да министри.

(ТАСС).

ИСРОИЛ ИҶВОҒАРЛИКЛАРИН КУЧАЙТИРМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК. 22 февраль. (ТАСС). Бирлашган Миллат-лар Ташкилотининг Яқин Шарқдаги кузатувчилари сўғиғи қуниларда Исроилнинг Сурия ва Ливияга қарши иж-воғарли фаолияти кучайётган-лигини таъкидлашмоқда. Улар-нинг маълумотларидида уқти-рилишича, Исроил қўшунлари 19 февралда Сурия позиция-ларига артиллерия ва танк тўплари, минометлар ва пулемётлардан бир неча бор ўт очдилар. Сурия қўшунлари бу ижвоғарликларга қаттиқ зар-ба беришди. Шу кунги Исроил-нинг иккита ҳарбий самолёти 38 кузатув постини районда Суриянинг осмон чегарасини бўзди.

Ливан территорияси ҳам тўпта тутилди. 19 февралнинг ушундаги Исроилнинг 6 та ҳарбий самолёти шу мамлакат осмон чегарасига бостириб кирди.

ИМПЕРИАЛИСТЛАРНИНГ ҚАБИҲ МАҚСАДЛАРИ

Жаҳон матбуоти ҳабарлари Тинч-океанининг Сайпан оролидаги Пен-тагоннинг қабих ниятларини фош қилмоқда.

Америка ҳарбийлари 1947 йил-дан бери ҳўмонлик қилиб кел-ётган Микронезия территорияси-га гўе муштарлиқ беришар эмши. 2 мингдан ортиқ оролдан иборат, аҳолиси 110 минг киши келадиган бу жойларни Америка империа-листрари ҳарбий базаларга айлан-тириб юборганлар.

Микронезия аҳолиси кўп йил-лардан бери Пентагон ҳарбийла-рининг ороллардан чиқиб кетиши-ни қатъий талаб қилмоқда. Шунга қарамай америкалилар ҳарбий ба-заларини янада кенгайтиришга ки-ришмоқдалар. Полгонлар ва аэ-родромлар катта майдонда ядал-ли билан қуришмоқда. Ҳарбий базалари қўлайлигини америка-листрари Микронезияга муштарлиқ бериш учун тайёргарлик кўриш-ни қоби остида олиб бормоқдалар.

Рейтер агентлигининг хабарига қараганда оролларга қачон мушта-қиллик берилиши номаълум. Бу-нинг устига муштарлиқ берилаёт-ган ҳам оролларнинг «мудофаси-с», ташқи сийбат ва иқтисодий иш-лари фақат АҚШ иштироида бў-лади. Бундан қўринадиги, Пентагон ўзининг қабих ниятини ишчирича амалга оширмоқда.

Пентагон ҳарбийлари кейинги

бир йил ичида чет эллардаги кўп-чи базаларини ҳўзирги замон техникаси асосида зўр бериб ке-нгайтирмоқда. Масалан, Италия-даги Маддалена, Грециядаги Эле-фис, Испаниядаги Кефлавик, Эрон қўрғондаги Бахрай, Таи-ланддаги Удонгтаи ҳарбий базала-ри анча кенгайтирилди.

Диего-Гарсия оролидаги Пента-гоннинг ижранч планларни Ҳинд океани ҳавзасидаги давлатларнинг қаттиқ возеизлигига сабаб бўлмоқ-да. Пентагоннинг кучли таъзиқи билан Англия ҳукумати Диего-Гарсияни Америка империалистла-рининг йирик ҳарбий базасига айлантиришга розилик билирди.

Бу масалда Вашингтон Лондон билан келишиб оиди. Чет эл мат-буотининг хабарига қараганда, Ҳин-дистон ҳукумати АҚШ ва Англия ҳукуматларига норозилик нотаси қилишди. Индия Ганди яқинда Уттарпрандеш штатидида бўлган ми-тингда таъириб, Диего-Гарсия ҳар-бий базасининг кенгайтирилиши Ҳиндистоннинг мудофасига ҳавф туғдирди, деди. Америка империа-листрари Диего-Гарсия базаси-ни қучайтириш сабабларини оқ-лашга урилиб, СССРга нисбатан халма-хил бўхтонлар тўқинмоқда. Улар гўе Совет Иттифоқи ҳарбий денгиз флотининг Ҳинд океанидаги ҳаракат совет хавфини қучайти-рмоқда, деб жаҳон жамоатчилигини

ишонтирмоқчи бўлади. Империа-листларнинг бу найрагиларини Деҳлида чиқадаган «Иптрои» га-зетаси фош этиб ташлади.

Пентагон ҳарбийлари Диего-Гарсия оролида узунлиги 25 кило-метр, кенлиги 10 километр майдонга эга бўлган жойни ҳар-бий аэродромлар, денгиз кучлари-нинг алоқа марказларига айланти-риб юбормоқчи. Ҳатто оролга ядро кўролини кенг ҳажмда жойлашти-риш плани ҳам тузиб қўйилган.

Ҳўш, Пентагон нима учун бу оролга қизиқиб қолди. Бунинг са-баби биринчидан шундиги, бу орол Ҳинд океанининг марказий қисми-га жойлашган. Бундан ташқари империалистларнинг Австралияди-ги, Жанубий Африка республика-сидиги, Осиёдаги ҳарбий базалари-га, шунингдек Яқин ва Ўрта Шарқ-нинг нефть қонларига яқиндир. Бу ердаги ҳарбий база халқлар-нинг миллий озодлик ҳаракатини бўғиш учун империалистларга қўл келад.

Империалистларнинг бу мақсад-лар учун катта маблағлар сарфла-ётганини Америка матбуотининг ўзи ҳам очикдан-очиқ эътироф-этимоқда. «Нью-Йорк таймс» га-зетасининг ёзишича АҚШ Ҳинди Хитойнинг ўзидида ҳарбий мақсад-лар учун йилгига 2 миллиард дол-лар сарф қилмоқда. Сайтон қў-ғирчоқ ҳукуматининг бошлиғи Тхисеу Американинг ҳарбий ерда-ми билан нафас олиб турганлиги ҳамагата равшан. Америка империа-листрари Ҳавфсизлик Комитет-ининг таъиниқлашга дармасдан Бирлашган Миллатлар Ташкило-тининг менсмай Жанубий Родезия-га хром рудаси, инсиль ва бошқа ҳарбий материаллар етказиб бер-моқда.

Жаҳон жамоатчилиги империа-листрларини нима мақсадларни қўлаб ана шундай ҳаракатлар қи-лаётганлигини сезиб турибди. Шу-нинг учун уларнинг қабих планла-ри фош этиб ташланмоқда.

А. ОМИЛОВ,
Низомий номдаги Тошкент
Давлат педагогика институтин-инг катта ўқитувчиси.

СУРИЯДА ЭНГ КАТТА ҚУРИЛИШ

ДАМАШҚ. 22 февраль. (ТАСС мухбири). Фрот тўғони пойдеворига биринчи ешит қў-йилган қўннинг 6 йилги йиллашиб келаяпти. 1968 йил баҳоридида Сурия ва Совет мута-хассислари араб фаложининг унумдор аммо қараб ётган ер-ларига ҳаёт сўзи бериш тўғ-рисида асрий орузини бир-галлаш амалга ошириш мақ-садиди Фрот соҳилдаги Табка деган қичкина қишлоққа кел-ган эдилар.

Ҳўзир шу Табка қишлоғи ўрнида 40 минг аҳолиси бўл-ган замонавий Асвава шаҳри қад кўтарди. Бу шаҳарда бола-лар боғчалари, мактаблар, касалхоналар, савдо ва мада-ний марказлар барпо этилди. Шу қуниларда Фрот ГЭСи-нинг биринчи набабини ишга тушириш учун сўғиғи тайёр-

савияда ўтишини таъминлайди-лар, лекторларга илмий-мето-дик қўлланмалар бериб бора-дилар.

«Билим» жамаиатининг бош-ланғич таъиниқотлари сони ҳам ортиб бормоқда. Бугунги кунга келиб улар 620 тага етди. 1966 йилда шаҳар «Билим» жамаи-яти аъзоларининг сони 11800 ки-шини ташкил этган эди, энди-лигиди эса салкам 19 минг ки-шидан иборат.

Шаҳар «Билим» жамаи-яти ўзининг бу йилги иш планини ишлаб чиқди. Унда кўпгина ма-салага қатори «Билим» жа-ми-яти ходимлари олдида «КПСС Марказий Комитетин-инг партияга, совет халқига Мурожаати», КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЛКСМ ва ВЛКСМ Мар-казий Комитетининг 1974 йил халқ ҳўжалик планини мудида-тидан илгари бажариш учун сана-от, қўрилми транспорт ва иш-лоқ ҳўжалик ходимларининг Бугунги «Билим» жамаи-яти қарорларини, Ҳиндистон Ком-партияси Марказий Комитетин-инг «Ҳиндистон Коммунист партияси ва Совет Халқий Совет Социалистик Республикасининг 50 йиллик юбилейи» тўғриси-даги қарорини кенг пропа-ганда қилиш, социалистик му-носабатнинг тарбиявий ролини чуқур ва ёриш кўрсатиб бе-риш каби темалар ифодаси-ни топти.

Жамаити шу тариқа партия қарорларини, фан ва техника, қишлоқ ҳўжалик соҳасида яри-шилган иш-ишчи ютуқларини кенг тарғиб қилишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўлади. Иб-ратан ишлари билан республи-ка жамаи-яти шонли юбилейини муносиб кутиб олади.

Э. АЛИЕВ,
Тошкент шаҳар «Билим» жамаи-ятининг референти.

МАМЛАКАТЛАР МАҚУЛЛАД

ШАРТНОМА МАҚУЛЛАДИ

Бугун Габрий Германия бундестаги ядро кўролини тар-датмаслик тўғрисидаги шарт-номани муҳоама қилиб бўл-

ЭЛГА ХИЗМАТ ОЛИЙ ХИММАТ

Районимиз меҳнаткашларига намунали савдо хизмати кўрсатаётган коллективимиз ўтган йилни муваффақият билан якунлади. Пилдан ташқари 500 минг сўмга яқин озиқ-овқат маҳсулотлари сотилди. Сўт, кондитер маҳсулотлари, баллиқ, савабот етказиб бериш аниқ бўлди.

Кейинги йилларда район кеңгайиб, аҳоли сони тобора ортиб бормоқда. Уларнинг талаб ва эҳтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда савдо хизмати кўрсатиш соҳасида ишлар ҳам бирмунча яхшиланимиз. Замонавий тинда жиҳозланган магазинлар ишга тушмоқда. Ўтган йили беш йилги магазин ишга туширилди, беш магазин қайта реконструкция қилиниб, ўз-ўзига хизмат қилиш усулида ишлаб бормоқда, янги замонавий жиҳозлар билан таъминланди.

Районимиз 15-мактаб-магазини ҳам шундай хизмат қилишга ўтказилди. Натигада сотувчилардан 20 киши штати қисқартирилди. Бир йилда шу ҳисобдан 15 минг сўм иқтисод қилинди. Ёш сотувчилар бу ерда савдо-сотиқнинг қонун-қоида ва тартиблари билан танишди. Ўтган йили мактаб-магазини 80—100 ёш битириб, магазинларга йўллама олади.

Районда ихтисослаштирилган магазинлар ҳам ишга туширилмоқда. Кейинги пайларда кондитер, гўшт ва сўт маҳсулотлари билан савдо қилувчи бўлимлар ишга туширилди. Савабот ҳўл мева ва қартошка етказиб бериш ҳам яхши ташкил этилган. Ўтган йили пилдан ташқари 430 тоннадан ортиқ савабот сотилди. Қишга гамлаб қўйиш учун 2,5 минг тоннадан ортиқ қартошка, 615

ЧИЛОНЗОР ПИШЧЕТОРГИ ДИРЕКТОРИ В. П. ЖЕМЕРИЧКИН БИЛАН СУХБАТ

Тонна иш сақланди. Ҳозир шу маҳсулотлар магазинларга етказиб беришмоқда. Тормимиз коллективи билан Калинин районидаги «Ленин йўли». «Москва» қолхоналари ўртасида яхши алоқа боғланган. Қолхона дала-сидан савабот маҳсулотлари тўғри магазинларга келирилади.

Магазин коллективлари ўртасида ўзаро социалистик мусобақанинг йўлга қўйилиши савдо хизматини яхшилаш йўлида қилинган ибратли ишлардан биридир. Бу эса зимматга олинган план ва мажбуриятларни ошириб бажаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Шунинг учун ҳам магазинларда ойлик, квартал планлари ошариб бажарилимоқда. Социалистик мусобақани тўғри йўлга қўйиб яхши натижаларни қўлга киритган коллективимиз ўтган йили шаҳар партия комитетини кўча-хўраки йўналиши бўлиб яхши бажаришда кўмак қилди. Республика савдо-сотиқнинг қонун-қоида ва тартиблари билан танишди. Ўтган йили мактаб-магазини 80—100 ёш битириб, магазинларга йўллама олади.

Районда ихтисослаштирилган магазинлар ҳам ишга туширилмоқда. Кейинги пайларда кондитер, гўшт ва сўт маҳсулотлари билан савдо қилувчи бўлимлар ишга туширилди. Савабот ҳўл мева ва қартошка етказиб бериш ҳам яхши ташкил этилган. Ўтган йили пилдан ташқари 430 тоннадан ортиқ савабот сотилди. Қишга гамлаб қўйиш учун 2,5 минг тоннадан ортиқ қартошка, 615

Орамизда пешқадам коммунистлар, «Совет савдоси аъло-чи»лари, тақрибли савдо хо-димлари кўп. Улар йилдан йил-га савдо ишини яхшилаб, ша-ҳар ишчи-меҳнаткашларига бе-миннат хизмат кўрсатишмоқда. Илгори магазин мудириларидан Х. Азизов, Т. Абдураҳимов, М. Раҳимов, С. Сайдахмедов, Ш. Гафуров, А. Саъдуллаев, Н. Гафуров, Х. Правдюк, С. Аса-дов, А. Исломов, А. Қоғонлар шундай кўмаласидан.

Тўғри коллективи КПСС Мар-казий Комитетининг партияга, совет халқига қилган Мувожа-атидан руҳланиб, зиммаларига мажбурият олдилар. Беш йил-ликнинг белгиларини йилда меҳнат унвондорлигини оши-риш, иш вақтидан унвонли фой-даланиш ҳисобига 20 минг сўм маблаг тежаб қўлилади. Илг-охирига бешта «замонавий» магазин ишга тушади. План топириқлари мўддатидан ил-гари бажарилиб, пилдан тап-қари 300 минг сўмлик озиқ-ов-қат маҳсулотлари сотилди. Сотувчилар малакасини оши-риш, улар ўртасида сиёсий-тар-биявий ишлар олиб бориш ян-да яхшиланиди. Коммунист меҳнат зарбдорлари деган ном учун кураш тобора кенг ав-к олдирилади.

Яқинда торғимиз коллективи ҳаётида яна бир қўвончли во-қеа юз берди. Торғимизда 1973 йилда эришилган муваффақият-лар учун Ўзбекистон Компар-тияси Марказий Комитети, Ми-нистрлар Совети, Узоқпроф ва Ўзбекистон ЛКСС Марказий Комитетининг Қизил байроғи топирилди. Коллективимиз меҳнатига берилган бу юксак баҳо бизларни янги меҳнат му-ваффақиятларига ундамоқда.



БУГУНГИ ОЛМАЛИҚ

ОЛМАЛИҚ об-ластининг энг навиқрон шаҳарларидан бири. Олмалик шаҳри саноатчи, бу-нектор, транспортчи-лари йилдан-йилга катта муваффақият-ларни қўлга киритиш-моқда. Янги саноат корхоналари мўддатидан илгари фойдала-нишда топирилишти. Мажид корхоналар-даги ишлаб чиқариш қувватларидан тўла-роқ фойдаланиш бор-ган сари яхшиланимо-қда. Ўтган йили ма-данлий-маънавий, турар-жой бинолари қад қу-таралишти. Шаҳар кун-дак-кунга чирой оч-ишмоқда. Суратда: Олма-ликдаги Ленин номи-да қурада бунёд этилган янги биноларнинг кў-риниши.

А. Абалиев фотоси.

О Т А ЯНГИ ШЕБРАР

Нуроний чехраси юракларга жо. Тош ҳам эриб кетар беролмай чидам Ота меҳр билан ташласа ниҳоят. Ноу-пешматларга гарқ эди бу дам Ёшбиларнинг ҳам у пушти паноҳ. Ёшбиларнинг яралини оталар сўзи, Қўйма жумалари юрак қўридан. Сил қўйиларини чароғон этган Ёзуғи ўғиллари қўйиш нурдан.

Борилини бағишлаб ҳар дилбандига Ҳаёт машааллини тутишган ота. Шухрати бемисол даҳларнинг ҳам Авайлаб қамолга етканган ота. Оталар таърифини маҳд этган билан Силмайд жажонинг газал, қўйига. Унинг бир заррасини қўйлай юракдан Сўлим тушганининг олтин тўйида.

Энёд КОМИЛОВ.

РАЗВЕДКА

Сокни тун анлари кўкда ой баркан Олдинда сукунат, ер оппоқ қордай. Давид ел кул пуркар, ўтдан хабаркаш. Разведка кутди олдидан, ўтлоқ. Шамодай қўрқимай қилин, дер, сардор. Осиёмас билдирмай душманин тутмоқ. Олдинда тун ичра қанча хатар бор. Беш жанчи йўл олур ёв оқимига. Бир юртдан фронтга келган беш полков. Келтирар тушманни жойлаб қўйиш. Кутмоқда сайрон «тилни қўмондон. Оқондан соялар гойиб бўлди тез. Ўтлоққа қанишб бешовлар борар. Танадан чинириб ўк учар гиз-гиз. Замининг титраб, тўлар гўмбирлар. Йўл аниқ, мўлжал ҳам, шойишлар даркор.

Мана ёв оқини, жирканч опини. Ел йиллар, замин ҳам тортиб охи-зор. Ҳар қадам жангоҳу, ҳар қадамда қон... Чеккадан чиқинди разведкачилар. Бир зумда жойлабди қонга мудроқ ёв. Ботирлар орқага, йўлга шойишлар. Қўқисдан атрофини қоплади олов. Ёв сезиб ўт очди, авж олди оташ. Ўк узиб, шойишлар разведкачилар. Қон ичра титирилар душман жонлаш, Атрофга ажалнинг қони очилар. Разведка ўйорак жардлар жазмидир. Унинг ўлкасида жонланур шон. Ҳар қадам ханфда, зафар азмидир. Фарзанди бурчиға мангу нитиҳон.

НАЗАРМАТ.

ГУЛЗОР ИЧИНДА

Гулдек очилибиз гулзор ичинда, Кўҳлиқисиз бу қўрмак баҳор ичинда. Гўлдан нақш олиниб лабда табассум, Тўленинг қўқидир виқор ичинда. Гўл экдим, гуркираб чаман бўлибди, Иш аниқ, мўлжал ҳам, шойишлар даркор.

Истардим кезсангиз гулзор ичинда. Гўл меҳри эгдудир ишқ билан азал, Чаманлар яраттай дийр ичинда. Мустақим АЛИМОВ.



СУРАТЛАРДА. (чапда): Пишчеторга қарашли мага-зин ходимларидан С. Раҳимхўжаева, К. Ҳамидова, М. Абдурахмонова (Ўғда) мактаб-магазини залида. Н. Тўраев фотолари.

ФРУНЗЕ СОВҒАСИ

Музейимизда сақланган мауар курули энг ноб эк-спонатлардан бири ҳисобланади. Уни Михаил Васильевич Фрунзе граждандар уруши иш-тирокисини коммунист Болта Ахмедовга аъло хизматлари учун шахсий совға сифатида таъдид этган.

Болта Ахмедов инқилоб душманларини тор-зор келти-ришда доиг таратган эди. У махсус топириқ билан Бухо-рога бориб, амриликнинг но-зик сирларини биллиб келди. Разведкачи берган маълумот-лар асосида кейин Фрунзе бошичи армия жангчилари ҳужумга ўтиб, Бухоро амри-лини ер билан яқсон қилган эдилар. Ўша жангларда Бол-та Ахмедов ҳам иштирок эт-ган эди. Унинг қўлида Фрунзе таъдид этган курул бор эди. Навбатдаги жангларда ҳам Болта ақа шу курул билан неча-неча душманларини ер тишланди.

Улкаимизда тинч ҳаёт бош-лангач кекса бошбешик Б. Ахмедов Фрунзе таъдид этган курулини Ўзбекистон халқлари тарихи музейига топириди. Тўмонбинлар ҳозир бу ку-рулини қизил қўздан кечир-моқдалар. Экспертовалар ку-рулининг жанговар тарихи ҳа-қида қизқарди ҳикоялар сўз-лаб бермоқдалар.

А. МИРСАИДОВА, музей илмий ходими.

ЯНГИЛИК ЭЛЧИСИ

Назира опани ҳамма янги-лик элчиси, дейди. Дарвоқе, у 30 йилдан бери Ўрта Чирчиқ районидаги «Партия XXII съ-езди» қолхона пахтакорларига хат-хабарлар, газета ва жур-наллар олиб беришти. Газета-журналларга обуна бўлиш пай-тида Назира опа Пармақуло-внинг ишлари яна ҳам қўй-иб кетди. Ўзи уйма-уй юриб катта-кичининг ҳаммасини жур-ли газета ва журналларга обу-на қилиб чиқарди. Энди обуна-чиларга газета ва журналлари ўз вақтида етказиб бермоқда.

Х. ҲАКИМОВА, Ўрта Чирчиқ райони.

МАШИНИ ХИЗМАТ КОРХОНА-ЛАРИ

Машина хизматидан баҳраманд бўлаётганлар ҳозир йўқ дара-жада. Қайси қишлоқ, қайси ша-ҳарга борманг, устакхоналар, қабул пунктлари ва бошқа хил ма-шини хизмат корхоналарига қўйингиз тушадди.

1972 йилда облатимиз ша-ҳар ва қишлоқларида 85 та устак-хона очилди. Ўтган йилда эса 20 та комплекс қабул пунктлари ташкил этилди.

50 ХИЛ ХИЗМАТ

Уларнинг қўйилиши қишлоқ жойларидандир. Ишга туширил-ган 4 та қўш қаватли ма-шини хизмат уйларида ҳар йили 510 минг сўмлик хизмат кўрсати-моқда.

Айниқса Бекобод районида амалга ошириладиган тадбир-лар кишини қўвонтирмоқда. Партия, совет органлари ер-да

ми билан қисқа вақт ичиди рай-онда 9 та комплекс қабул пунктлари ташкил этилди. Бу пунктлар қолхончилар ва сов-хоз ишчиларига 50 хил хизмат кўрсатмоқда.

Область меҳнаткашларига ма-шини хизмат кўрсатиш кўла-ми бундан буён ҳам кеңгайиб боради. Беш йилликнинг охи-ри йилда меҳнаткашларга 24 миллион сўмлик турли хил хизмат кўрсатилади.

Олдор

ХАЛҚАРО ТУРНИР

Бугун Тошкентдаги «Пахта-кор» стадионидан йиллар ўрта-сида IV халқаро турнир мусоба-қалари бошланади. Ҳар йилда ўтказилаётган ва анъанага ай-ланиб қолган бу мусобақалар-нинг дастлабки учтаси Анхо-бод шаҳрида бўлган эди. 1971 йили ўтказилган турнирда 6 команда иштирок этиб, Чехос-ловакия футболчилари гўлиб бўлишганди. Келас йил эса 8 команда бахшланди. Бу гал Югославия спортчилари турнир совриндори бўлишди. Ўтган йилги турнирда эса (бу гал ҳам 8 команда стартта чиқди) СССР

„РАҲМДИЛ“

(ИНТЕРМЕДИЯ)

(Бошлиқ ўз хонасида қорғоғ тит-килап билан опора. Хонага бўлим мудири кириди).

МУДИР. Бўлимимиз бўйича қилинган ишларнинг ҳисоботини сўраган экансиз. (Мудир бир даста қорғоғларни бошлиққа уза-тади).

БОШЛИҚ. (Таажжубланиб). Йя, бу қанақаси бўлди. Ишлар ўлада-қўлда-ку?

МУДИР. Айрим ходимлари-мизнинг йўқлиги сабабли...

БОШЛИҚ. Масалан ким?

МУДИР. Каромат.

БОШЛИҚ. Қаредда у?

МУДИР. (қўлиб). Туғруқхона-да. (Бошлиқайиб) Ўзи қўрибди.

БОШЛИҚ. (Қўлиб). Оббо аза-мате. Бу дейман, коллектив но-мидан уч-тўрт кишини юбориш керак экан-ку, янги меҳмон билан таъриқлагани. Хўш, кимни юбор-сак экан?

МУДИР. (Тиржайиб). Ўзингиз биласиз.

БОШЛИҚ. (Ўйлаб). Ҳа, айт-гандай, сен чиқиб Наимага, Наси-бага айт. Ҳозирқ бозорга бориб майда-чуйда олишини, Каромат-дан ҳоҳ-хотол сўраб келишин.

МУДИР. Хўш бўлади. (Мудир чиқиб кетди, хонага Пирмат билан Эрмат кириди).

ЭРМАТ. (Тиржайиб). Сизни бевозта қилганимиз учун, ўзр сўрайми.

БОШЛИҚ. Зарари йўқ. Хўш, ишнинг бормиди менда?

ЭРМАТ. Ўзингиз билгандай, шайба қўни уйга меҳмонлар кел-моқчиди. Шунга ўн килограмм гўшт олганим. (Қўлиб) Билмас-дан, ахлалган гўшт олиб қўйиб-ман. Шунга уйга ташлаб келсам девдим. Тағин бу ерда эриб ке-тиб, ҳаммаёғини расво қилмасин.

БОШЛИҚ. (Пирматга) Сизни қи?

ПирМАТ. Келиннингизнинг кат-та хонасини ўтган армиядан қай-тиб келган эдик. Бирор йўқлаб келмоқчиди. Ханингиз тушунаб, қўзда-андачилик деган гап бор.

БОШЛИҚ. Бориб келинглар. (Икковни чиқиб кетди. Телефон жингиллайди. Бошлиқ трубкани олиб).

БОШЛИҚ. Алло, эштанам. Нима, ҳозир комиссия боради? Хўш, хўп (трубкани қўйди). Энди нима қилим. Кўпчиликка жавоб бериб юборган эдимку. Бирор чорасини топмасам шарманда бўла-ман. (Кнопкани босди. Хонага секретарь кириди). Теда бу ерга қорювчи, фаррош опамизни, шо-ферини чақиринг.

СЕКРЕТАРЬ. Хўш бўлади. (Секретарь чиқиб кетди. Бир оз-дан сўнг хонага қорюв, фаррош, шо-фер, секретарь кириб келиша-ди).

БОШЛИҚ. (Ховилиб) Гап бун-дай, сиз, шу дақиқадан бошлаб қорюв эмассиз. Тедадан устиниз-даги халатини ечиб ташланг. (Галстугини ечиб) Мана буни та-қиб олинг. усти-бошингизни тартибга солинг. Хулласи, сизни қўрған одам илмий ходим деб ўй-ласин. Тушундингизми?

ҚОРОВУЛ (Хайрон). Ҳеч нар-сага тушунмадим.

БОШЛИҚ. (Шошиб). Кейин тушуниб оласиз. (Фаррошга). Йя, ҳаляим суғури ушлаб турибсиз-ми? Менига беринг. (Суғуригиз-деризда улоқтиради). Зудлик билан фартуни ечиб ташланг. Сизнингизни причёска қилинг Юз-пизингизга уя-эллиқ суртинг. Ҳа, айтгандай лабнингизни бул-ш эсдан чиқмасин. (Шофер билан

биринчи командаси I ўринни эгаллади.

Тошкентда ўтказилаётган бу турнирда Финляндия, Швеция, ГДР, ГФР, Польша футбол-чилари меҳмон бўлиб келишди. Мусобақада СССР биринчи ва иккинчи ҳамда Ўзбекистон тер-ма командалари ҳам қатнаша-дилар.

СССР биринчи терма кома-даси бугун Швеция футболчи-ларини билан куч синашади. Бошқа учрашулар «Полит-дел», «Старт», трактор заводи стадионларида ўтказилади. 3 мартда эса «Пахтакор»да тур-нир гўлиб маълум бўлади.

Швециянинг Фалун шаҳ-рида ўтказилаётган чангичи-ларнинг жаҳон чемпионати иш-тини паллага кирмоқда. Му-собақаларда маҳорат билан қатнашаётган СССР командаси аълоси Галина Қудалова беш километрлик масофани бирин-чи бўлиб босиб ўтиб, чемпи-он бўлишди.

Шашкачи хонини қизлар бах-си ҳам кун сайин кескин тус олмоқда. Республикалар ми-ядаги шаҳарларидан келган уста шашкачилар Ўзбекистон биринчилиги учун ўзаро куч синашмоқдалар. Дастлабки турт турдан сўнг турт очко тўплаган самарқандлик мас-терликка кандидат Э. Пилосов ва биринчи ўринда, 2,5 очко тўплаган тошкентлик З. Петро-ва эса иккинчи ўринда келмо-қдалар.

Р. ЕВҚОЧОВ, республика шахмат-шашка клуби директори.

Ректор А. ИСМОИЛОВ.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА 1 МАРТДА БАҲОРҲОЙ МАВСУМ ОЧИЛАДИ

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА ҚОЗОҚ ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

ПРОГРАММАДА: отлар, ак-робатлар, маскаробозлар ва бошқа оригинал намуналар. Тошошлар неч соат 19.30 минутда бошланади. Шайба ва яқинба кунлари 12.00, 15.00 ва 19.30 минутда бошланади.

«Тошкент ҳақиқати» газета реданисини коллективни Ўзбе-кистон Информатсия агентли-гининг директори

Рихис Саҳибович САҲИБОВНИНГ беватт вафоти муносабати би-лан марҳумнинг оиласи, қар-индошлари ва яқинларида чуқур таъзия изҳор этади.